

ХОРАЗМЛИК БУЮК АЛЛОМА

Дўсматов Санжар

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

«Араб тили ва адабиёти ал-Азхар» кафедраси ўқитувчиси

Мустақиллик туфайли номи тикланган, мероси тадқиқ ва нашр этилаётган буюк алломаларимиздан бири Маҳмуд Замаҳшарийдир. У адабиётшунослик, лугатшунослик, тилшунослик, ислом илмлари, аruz, мантиқ каби қатор фанларга бағишлиланган асарлар яратган бўлиб, мероси асрлар давомида шарқ ва ғарб тадқиқотчиларини ўзига ром этиб келмоқда. Замаҳшарийнинг илм-фан ривожидаги ўрни муносиб баҳоланиб, у «Дунё устози», «Жоруллоҳ», «Хоразм фахри», «Араб ва ажам устози», «Адиблар қаъбаси» каби номлар билан шарафланган.

Шунингдек, Замаҳшарий тафсир, ҳадис ва фиқҳ соҳалари бўйича етук аллома ҳисобланади. Унинг меросида фиқҳ, яъни ислом ҳуқуқига бағишлиланган асарлар мавжудлиги унинг мазкур соҳа тарақкиётидаги ўрнини белгилаб беради. Алломанинг илмий мероси, хусусан, тафсир илми соҳасидаги изланишлари ўрта асрларда тафсир илми ривожида муносиб ўрин тутгани билан бир қаторда, минтақада кечган тарихий жараёнларни, ислом тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишда ўзига хос манба бўла олишилиги билан муҳимдир.

Маҳмуд Замаҳшарийнинг адолатли жамият, одил шоҳ, одоб-ахлоқли фарзанд, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятига эга бўлмоқда. Хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замаҳшарий кейинги авлодларга бекиёс бой маданий мерос қолдирган бўлиб, ўзининг бутун умрини ва жўшқин фаолиятини илм-фан йўлига бахшида этган, фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб ўлмас асарлари у ҳали хаётлик пайтидаёқ мусулмон шарқида унга катта шон-шуҳрат келтирган. Шунинг учун бўлса керак, араб мамлакатларида иқтидорли олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мукаммал тадқиқотлар яратилган, жумладан, Бағдод дорилфунунининг профессори Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг «Ад-Диросат аннаҳвия ва-л-луғавия инда аз-Замаҳшарий» (аз-Замаҳшарийнинг наҳвия (грамматик) ва луғавий (лексик) таълимоти), Муртазо Оятилла аш-Шерозийнинг «Аз-Замаҳшарий луғавий» (Замаҳшарий луғатшунос), Фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг «Ал-Адаб ул-арабий фи иқлим Хваризм» (Хоразм ўлкасида араб адабиёти) номли тадқиқотлари фикримизнинг тасдиғидир. Маҳмуд Замаҳшарий Хоразм ўлкасида ва ўзи зиёрат қилган Шарқнинг турли шаҳарларида бўлган кўпдан-кўп шогирдларига жуда катта эътибор билан қараб, уларни камол топтиришга ўз ҳиссасини қўшган. Аллома ўзининг машҳур «Мақомот» асарини Макка амири Ибн Ваққосга бағишлиб ёзган ва унга тухфа қилган. Шунингдек, Замаҳшарий ҳадисларга бағишлиланган ҳамда сарф ва наҳв масалаларини кенг ёритган китоблар ҳамда шеърий девонларнинг муаллифи ҳамдир.

Маҳмуд Замаҳшарийнинг асарларида кутарилган асосий ахлоқий мавзулар аънанавий қашшоқлик ёки маънавий қўрлик ўртасидаги зиддиятларни кўрсатишдан, ёш авлодга ҳам, ёши ўтиб, ақли кирмаган кексаларга ҳам гўзал панд-насиҳатларни, зарур бўлса, аччиқ ҳақиқатларни айтишдан иборат эди. Алломанинг панд-насиҳатларига қулоқ олиб, улардан баҳра олган одамлар кибру ҳаводан, манманлиқдан, баҳиллик, ичи қоралик, жоҳиллик, тошбағирлик зиқналиқ, хасислик, таъмагирлик, очқўзлик, мол дунёга ҳирс қуиши, бошқаларга ёмонлик қилиш каби турли иллатлардан шифо топсалар ажаб эмас. Бундай ярамас иллатлар урнига одамлар бағри кенглиқ, камтарлиқ, инсоф-адолат, меҳр-муруват, ростгўйлик, ҳалолик, поклик, хушмуомалалиқ, вафо ва ҳаё каби гўзал фазилатларни қўлга киритсалар ҳар икки оламда баҳтини топсалар ажаб эмасдир.

Маҳмуд Замаҳшарий ўзи яшаб турган муҳитдан чиқиб кетмаган ҳолда фикр юритади. У замонасининг ҳар бир фуқороси тушуна оладиган тилда сўзлайди. Бу унинг ўз фикри ва қарашларини ифода этишдаги энг муҳим хусусиятлардан биридир. Аммо бугунги замон кишилари унинг фикрларини, тажрибага асосланган мустаҳкам хulosаларини тушунишлари учун, аввал таъкидлаб ўтилганидек, ўша замон руҳи ва исломий билимларидан анчагина хабардор бўлишлари керак. Ушбу хulosанинг тасдиғи учун унинг баҳилликни қоралаб айтган фикрларини олиб кўрсак,

Замаҳшарий дейди: «Бахилу ҳасиснинг қўли оқармас, яъни бирор нарса беришга очилмас – токи тил билан қаттиқ сўзланмагунча, тоғдаги мавжуд бойликларни чиқариб бўлмас – токи лўм билан кучли зарба урилмагунча». Маълумки, баҳиллик ҳамма замонларда ҳам одамзотнинг нуқсони сифатида таъкидлаб келинган. Баҳилликни қоралашга сабаб, у кишини инсоний сифатлардан айиради. Айтмоқчики, инсон доимо саховатли, хайр-садака, эҳсон қилиши керак.

Биз аждодларимиздан ҳар қанча фахрлансан арзиди. Шу ўринда Маҳмуд Замаҳшарийнинг яна «Олтин шодалар» асаридаги бир мақомаси ҳам дикқатга сазовордир. – «Шон-шарафни, иззат обрўни ўзингдан изла, ота-боболардан қолган шон-шуҳрат билан мақтана. Чунки у шон-шуҳрат ўтмишда қолган. Аждодларингдан мерос қолган бу шон-шуҳратга сен ҳам янги ва хайрли шон-шуҳратли ишлар қўшгин. Ана шунда ҳаққоний шон-шуҳрат қозонасан.

Ўз яхши ишларинг билан шон-шараф қозонмагунча, боболаринг шон-шуҳратига шерик бўлишни иддао қилма. Насаб ва ҳасабинг фарқи гўё тун билан кун кабидир. Кечаги тўклигинг бугунги очлигингга ёрдам беролмайди. Бугун яхши ишларинг билан топган шон-шуҳратинг ўтиборли, қимматлидир.

Хулоса қилиб айтганда, аллома Маҳмуд Замаҳшарий ўзидан кейин бой илмий ва адабий мерос қолдирди, унинг асарлари бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, хусусан, истиқлолга юз тутган Ўзбекистон учун бу олимнинг юксак савиядаги илму таълимни тараққий йўлига солиш учун ўта муҳимдир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида: «...ўрта асрларда Хоразмда диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини муккаммал тарзда ишлаб чиқкан, илм-фаннынг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд Замаҳшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларида машаққатли сафар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий этуклик тимсоли бўлиб қолаверади», - дейди.

Дарҳақиқат, биз нафақат ўтмишдаги меросимиз билан фахрланамиз, балки ўзимиз ҳам келажак учун мана шундай мерос яратишимиз керак ва албатта ёшлиаримиз, уларга яратилаётган имкониятлардан кенгроқ тарзда фойдаланган ҳолда изланиш ва харакат қилишлари даркор.

Аждодларимизнинг меросларидан шундай хулоса қилса бўлади, агар илм-фан, маданият ва маърифат ардоқда бўлса, жамият гуллаб-яшнайди. Бундай жамиятни яратиш эса бизнинг ёшлиаримизнинг қўлида.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008 йил. 43-бет.
- 2.Маҳмуд Замаҳшарий. Олтин шодалар.
- 3.Замаҳшарий // Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 91.
- 4.Matibaeva, Raziya (2019) «SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR», The Light of Islam: 2019 (4), 3.
- 5.MATIBAYEVA, Raziya (2019) «THE DEVELOPMENT OF KHANAPHISM IN MAVARANNAKHR», The Light of Islam: 2019 (3), 16.
- 6.Матибаева, Р. Б. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74.
- 7.Матибаева, Р. Б. (2020) Научно-духовное наследие имама Абу Ханифы / Молодой ученый. — 2020. — № 42 (332). — С. 282-284.
- 8.Матибаева, Р. Б. (2020) Имам Абу Ханифа и теория познания / Исследования молодых ученых: материалы XIV Междунар. науч. конф. (г. Казань, ноябрь 2020 г.) –Казань: Молодой ученый, 2020. – С. 70-71.